Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
30 ИЮНЬ, 1969 Й
ДУШАНБА
№ 152 (916).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МОСКВАДАН КЕЛТИРИЛАДИ

Келгуси йили В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ташкил топганининг 50 йиллиги нишонланади. Ўрта Осиёда тўнғич ва улкан билим даргоҳининг ярим асрлик тўйи башарият доҳийси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик юбилейи билан қўшилиб кетади.

Юбилей муносабати билан студентлар шаҳарчасида университетнинг асосий корпус биноси олдида улуғ доҳийнинг салобатли ҳайкали ўрнатилади.

Бугун Ватанимизнинг пойтахти Москвадан ажойиб хушхабар олинди. Москвада В. И. Ленин номли Марказий музей залларидан бирида сақланаётган машҳур совет ҳайкалтароши В. Меркуловнинг В. И. Ленин ҳайкали намунаси Тошкентга олиб келинди.

Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг тарихий ёдгорликларни сақлаш ва тасвирий санъат бош бошқармасининг бошлиғи Пўлат Зоҳидов мухбиримизга бундай деди:

— Ҳайкалтарош В. Меркуловнинг доҳий тасвирини туширган асари совет тасвирий санъатининг энг ноёб намуналаридан биридир. Ҳайкалда кресслода башариятнинг порлоқ қуёши — В. И. Лениннинг ўтиргани тасвирланган. У қалам билан қоғозга ёрқин сатрларни туширяпти.

Доҳий ҳайкали гранитдан тайёрланган.

МАРОҚЛИ САФАР

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари

1965 йилнинг декабрь ойида СССР «Билим» жамиятининг йўлланмаси билан қардош Монголия Халқ Республикасида йигирма кунлик сафарда бўлдим.

Қардош ўлкада олий ўқув юртларини ташкил қилиш ва уларнинг ишини ривожлантиришга катта эътибор беряпти. Улан-Батордаги университет, Педагогика институти, Қишлоқ хўжалик институтида кўпгина ўқитувчилар билан суҳбатда бўлдим. Улар чиндан ҳам қобилиятли, талантли кишилар. Бундан ташқари Тошкентда билим олган ажойиб мутахассисларни кўрдим.

Ўшанда бу бахтиёр ўлка менда ажойиб таассурот қолдирди. Ҳозир Монголия халқининг вакилларини Тошкентда кўрар эканман сафар таассуротларимга янги саҳифалар қўшилгандай бўлди.

Серқуёш Ўзбекистонимизда муваффақият билан ўтаётган Монголия Халқ Республикаси кунларининг қатнашчилари республика пойтахти Тошкент билан яқиндан танишмоқдалар. Монголиялик дўстларимиз барча ерда шоду-хуррамлик билан кутиб олиняпти.

СУРАТДА: Монгол биродарларимиз шаҳар хиёбонларидан бирида.

Иккинчи суратда сиз Тошкентдаги олий ўқув юртларида ўқиётган бир группа монголиялик ёшларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотолари.

● *Бизнинг интервью*

ДЎСТЛАР ДАВРАСИДА

ЗАГДСУРЭН,
Монголияда хизмат кўрсатган артист.

Мен Ўзбекистонга бориш ҳақида таклифнома олганимда беҳад қувондим. Дўстлар, яқин кишилар даврасида қўшиқ айтиш кишига янада катта илҳом беради.

«Сирли муҳаббат» деган русча қўшиқни юртимизда севиб тинглашади. Чиндан ҳам унинг қаноти бор. У Москвадан Улан-Баторга ҳам етиб борди. Мана энди гўзал Тошкентда мен уни завқ ва шавққа тўлиб айтаяпман. Монголия Кунлари жуда яхши ўтяпти. Унинг программасига ҳар хил тадбирлар, учрашувлар, қизиқарли сафарлар киритилган. Нукус, Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида бўладиган учрашувларни сабрсизлик билан кутяпмиз.

Республикамизда Монголия Кунлари чиндан ҳам дўстлик ва қардошлик байрами бўляпти.

Қўшиқларим кўп

ЖАРГАЛСАЙХОН,
Улан-Батордаги опера ва балет театрининг солисти.

Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси Кунларининг муваффақиятли ўтаётгани мени бениҳоятда шодлантириб юборди. Чунки, серқуёш республикангизга қалбан мафтун бўлиб қолдим. Мен бу ерда монгол ва совет дўстлигининг ёрқин мисолини кўряпман.

Қизиқарли ўтаётган республикамиз Кунларида серқуёш Ўзбекистон театри саҳналарида «Бухенвальд бонги», «Куйла, менинг севгилим», «Тошкент осмони» ва бошқа қўшиқларимни куйлайман. Биз санъаткорлар республикангизнинг фақат, гўзал Тошкентдагина эмас, балки бошқа хушманзара ва чиройли шаҳарларида ҳам бўламиз. Шубҳасиз катта таассуротлар билан қайтамиз.

Мен учун ўзбек санъаткорларидан ўрганиш ва уларнинг ашулаларини диққат билан тинглаш жуда ҳам катта шарафдир. Чунки, қўшиқчи бирбиридан ўргансагина, ширин ва хушовоз ашулаларни куйлай олади.

ГЎЗАЛЛИКНИ КУЙЛАЙМИЗ

СУГЛИГМА,
Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ хуралининг депутати, қўшиқчи.

Ўзбекистонда Монголия Кунлари тинч даврда эришган муваффақиятларимизни намойиш қилади. Инсоннинг ҳар бир байрами, тўйи қўшиқсиз бўлмаганидек, бизнинг бу байрамимизга қўшиқ яна ҳам ярашиб кетади.

Биз монгол санъаткорлари серқуёш республикангизда бериладиган концертлар учун бир неча жозибали, ўйноқи куй ва қўшиқларни олиб келганмиз. Уларда монгол халқининг қалбидаги самимий истаклар, юрак ҳарорати тараннум этилади.

«Тошкент осмони» қўшиғи. Бу биз куйлайдиган номерлардан биридир. Уни ҳаммамиз иштиёқ ва маҳорат билан куйлаймиз. Қўшиқда Тошкентнинг дўстлик шаҳри эканлиги тараннум этилади.

А. Навоий номли ўзбек давлат опера ва балет Катта академик театр биносида Монголия Кунларининг очилишига бағишлаб берилган концерт санъат байрамига айланиб кетди.

● *Ленин юбилейига ғалаба рапортлари*

Сифатли ва бежирим буюмлар

«Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг коллективи сифатли ва бежирим буюмлар ишлаб чиқариш юзасидан олган мажбуриятини шараф билан адо этмоқда. Фирма ярим йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини муддатидан бир ҳафта олдин —25 июнда бажарганлиги ҳақида Енгил саноат министрлигига рапорт йўллади.

Рапортда беш йиллик тўртинчи йил план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш ва доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган коллектив ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ярим йиллик охиригача планга қўшимча 230 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 140 минг сўмлик буюмларни савдо ташкилотларига юбориш мажбуриятини олганлиги айтилган.

Маррадан ўзиб

«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг коллективи ярим йиллик меҳнат фаолиятида графикдан 8 кун илдамлаб кетди. Тикувчилар шу давр мобайнида савдо ташкилотларига 14,2 миллион сўмлик буюмлар юбордилар.

Коллектив олти ойлик планга қўшимча 600 минг сўмлик кийим-кечак тайёрлашга аҳд қилди.

Фирманинг юздан ортиқ чеварлари ҳозир беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар. Ишлаб чиқариш зарбдорларидан 80 киши беш йиллик шахсий топшириғини адо этди. Барча цехларда ленинча меҳнат вахтаси давом этмоқда.

160 минг сўмлик

2-пойафзал фабрикасининг коллективи пойафзаллар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ярим йиллик план топшириқларини муддатидан илгари 25 июнда бажарди.

Беш йилликнинг тўртинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари адо этиш ва пойафзалларнинг янги хилларини кўплаб ишлаб чиқариш учун курашаётган коллектив ярим йиллик охиригача пландан ташқари 160 минг сўмлик сифатли пойафзаллар ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Бир ёқадан бош чиқариб

«Главташкентстрой»га қарашли 2-қурилиш механизацияси трестининг барча бошқармалари ва участкаларида В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа кучайиб кетди.

Механизаторлар ҳаракати зое кетмади. Трест 26 июнь куни ярим йиллик қурилиш-монтаж ишлари ва ер қазиш ишлари планини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди. Ҳозир механизаторлар планга қўшимча кўпгина қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни бажариб, йиллик программани муддатидан олдин адо этиш учун курашмоқда. Социалистик мусобақада 6, 7, 8-механизация бошқармаларининг коллективлари пешқадам бўлишмоқда.

1970 йил ҳисобига

— Коллективимиздаги 72 механизатор 1970 йил ҳисобига ишламоқда,— деди 1-қурилиш механизацияси тресты партия комитетининг секретари Алексей Кузьмич Поздняков.— улар орасида келгуси йилнинг февраль — март ойи ҳисобига ишлаётган экскаватор машинисти А. А. Савчук, автокранчи Тўра Жўраев, бульдозерчи Ваҳоб Ҳожиматов, минорали кран машинисти Мария Ивановна Кишечко, кранчи Николай Никитович Девятов каби пешқадамлар бор.

Илғорларнинг ғайрати ва ишларнинг намунали уюштирилиши туфайли қурилиш механизацияси трести 25 июнда барча техника иқтисодий кўрсаткичлари бўйича ярим йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан олдин бажардилар. Трестнинг механизация бошқармаларида планга қўшимча иш бажариш учун социалистик мусобақа давом эттирилмоқда.

НОВАТОРЛАР БАЙРАМИ

Бугун ленинча беш йилликнинг олдинги сафида бораётган ишлаб чиқариш новаторлари Ихтирочилик тўғрисидаги Ленин декретининг 50 йиллигини тантанали нишонламоқдалар. Ихтирочилик тўғрисидаги Ленин декрети мамлакатимизда ихтирочилар ва рационализаторларнинг оммавий ҳаракатига асос солди.

Ихтирочилар ва рационализаторлар —ишчилар, инженер ва техниклар, илмий ходимлар ва лойиҳачилар — меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан оширишга фаол ёрдам бермоқдалар, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун курашмоқдалар.

Уларнинг техника прогрессига қўшаётган ҳиссалари йил сайин сезиларли даражада ортиб боряпти. Тошкент шаҳри ва пойтахт области ихтирочилари ва рационализаторларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган таклифларидан беш йилликнинг ўтган уч йилида 69 миллион сўм иқтисод қилинди. Яъни, бундан олдинги уч йилликдагига нисбатан 17 миллион сўм кўп фойда кўрилди.

«Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», авиация заводлари, тўқимачилик комбинати ва бошқа корхоналарнинг новаторлари ижодий изланишда катта ютуқларга эришдилар.

Техникани такомиллаштириш ишига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочилардан пахтачилик учун машиналар яратиш Давлат махсус конструкторлик бюроси қидирув бўлимининг бошлиғи Н. Барер, «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати конструкторлар бюросининг бошлиғи, С. Ким, Республикада хизмат кўрсатган рационализаторлардан тўқимачилик комбинатидаги лабораториянинг катта инженери Ғ. Ҳошимов, «Ташкенткабель» заводининг электромонтёри П. Токарев, «Ташсельмаш» заводининг етакчи конструктори В. Плющчик ва бошқа кўпгина ижодкорлар катта ҳисса қўшдилар.

Ихтирочилар ва рационализаторларнинг фаолиятини оширишда, улар томонидан тақдим этилган фойдали таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этишда Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамиятининг ташкилотлари йил сайин сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда.

Фақат ўтган йилнинг ўзидагина Ўзбекистон ихтирочилари ва рационализаторлари 43 мингта фойдали таклиф киритдилар. Булардан 30,4 мингтаси халқ хўжалигига жорий этилиши натижасида йилига 42,2 миллион сўм шартли фойда олинди.

«Ихтирочилик тўғрисида»ги Низом имзоланганлигининг 50 йиллигини тантанали нишонлаётган ишлаб чиқариш новаторлари саноат ва қурилиш корхоналари ишлаб чиқаришни бундан буён янада такомиллаштириш техника прогрессини тезлатиш йўлида янги марраларни белгилаб олмоқдалар.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Бутуниттифоқ трикотаж саноати илмий-тадқиқот институтининг Тошкентдаги филиали шаҳар корхоналарида янги техникани ишлаб чиқаришга жорий қилишга катта эътибор беряпти.

Институт филиалида трикотаж матоларни комплекс усулда тайёрлашга доир қизиқарли янгилик яратилди. Янги технология Тошкентдаги устки трикотаж кийимлари фабрикасида синаб кўрилди ва уни мутахассислар маъқуллашди. Янгилик йилига 15 минг сўм иқтисодий фойда беради.

● *Қишлоқ—шаҳарга*

ФИДОКОРЛАР СОВҒАСИ

Карим ака Турсунов бошлиқ бригада сабзавоткорлари Орджоникидзе райони Ленин номли колхозда энг пешқадамлардан. Фидокор сабзавоткорлар бир гектарлик редиска майдонидан 23 тоннадан ортиқ ҳосил кўтариб, шаҳарликларга етказиб бердилар.

Ҳозирги вақтда сал кам бир гектар ерда етиштирилган эртаги карам ҳосили шаҳарликларга жўнатилмоқда. Райондаги «Қизил Ўзбекистон», «Правда», «Коммунист», «Октябрь» колхозларидан ҳам пиёз, карам, бодринг каби сабзавот ҳамда эртаги олма, гилос, олча каби мевалар карвони шаҳарга йўл олмоқда.

АҲДИГА ВАФОДОРЛАР

Аҳолига кўплаб тухум ва парранда гўшти етказиб бериш учун меҳнат қилаётган Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасининг ишчи-хизматчилари олти ойлик планни белгиланган муддатидан олдин ўринлатдилар.

Тошкент шаҳри аҳолисига бир миллион 600 минг дона тухум жўнатилди. Шунингдек кўплаб парранда гўшти юборилди.

БЕШИНЧИ МАРШРУТ

Ҳамза райони меҳнаткашлари яна бир қулайликка эга бўлишди. «Революция хиёбони» — «Роҳат» маршрутида «Икарус» автобуслари қатнай бошлади. 86-машрут шаҳримиздаги «Икарус» автобуси қатнаётган бешинчи маршрутдир.

«Шон-шуҳрат хиёбони»

Бугун «Победа» боғининг Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси павильонига олиб борадиган хиёбонлардан бирида республикада хизмат кўрсатган ихтирочилар ва рационализаторларнинг «Шон-шуҳрат хиёбони» очилди.

Техника тараққиёти учун курашиб келаётган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочилар ва рационализатор— М. Азизов, Р. Аҳмедов, Ю. Верешчагин, Г. Зайцев, Д. Плятченко, А. Турғунов ва бошқаларнинг катта портретлари парк хиёбонининг кўркини очиб турибди.

Техника тараққиёти учун курашнинг олдинги сафида бораётганлар Ленин имзолаган «Ихтирочилик тўғрисида»ги декретнинг 50 йиллигини меҳнатда янги ютуқлар билан муносиб кутиб олмоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ижодий меҳнатлари учун 46 кишига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи» ва 99 кишига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор» деган фахрий унвон берилди.

Ихтирочилик тўғрисидаги Ленин декретининг 50 йиллиги арафасида ишлаб чиқариш новаторларидан яна 13 кишига ана шундай фахрли унвон берилди.

Шонли сана шарафига 22 ихтирочи ва рационализатор «Узсовпроф»нинг Фахрий ёрлиқлари билан, 32 киши Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти республика Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

П. ДЁМИН,
Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ республика Советининг секретари.

Шаҳримиздаги абразив комбинатининг ишчилари беш йиллик топшириқларини муваффақият билан адо этмоқдалар.

СУРАТДА: корхонанинг пешқадам цехларидан бўлган токарлик цехининг бошлиғи Эгамберди Исаев ва техника контроли бўлими контролёри Уғилой Кузаева тайёр маҳсулот сифатини текширмоқдалар.

ТОШКЕНТ МЕҲНАТКАШЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНМОҚДАЛАР

> КПСС Марказий Комитети пленуми КПССнинг ва Совет ҳукуматининг ташқи сиёсий йўлини маъқуллайди. СССРнинг ташқи сиёсати антиимпериалистик кучларнинг умумий курашида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг куч-қудратини мустаҳкамлаш ва жипслаштиришда бундан кейин ҳам муҳим роль ўйнайди, империализмнинг агрессив режаларини барбод этишга, тинчликни сақлаш ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга, халқларнинг озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.
>
> (КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қароридан).

ТЎЛА МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Куни-кеча КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленуми «Коммунистик ишчи партиялар халқаро Кенгашининг якунлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор шу кунлардаги халқаро аҳволга тўла ва аниқ баҳо берди.

Биз Июнь пленуми қарорларини ҳаяжон билан ўқиб чиқдик. Унда қўйилган вазифаларда келгусида социалистик системанинг янада жипслаштириш ва бутун дунёда коммунистик ҳаракатини кенгайтириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилади.

Пленум қарорларини мактабимиз коллективи ҳам катта қизиқиш билан ўқиб чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг қарорларини қўллаб-қувватлади.

Келгусида биз таълим-тарбия ишларида янада кўпроқ муваффақиятни қўлга киритамиз. Ҳозир мактаб тўла ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Мен ҳам ўқувчиларимни ёзги каникулга узатдим. Улар яхши дам олишиб, янги ўқув йилини янги куч билан бошлашади.

Партиямиз тутган йўл ҳамиша биз ўқитувчиларга маёқ бўлиб қолади.

М. НАЗАРОВА,
Тошкентдаги Меҳнат Қизил байроқ орденли 24-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ҚОНИҚИШ БИЛАН

Бутун совет кишилари қатори бизнинг заводимиз ишчи-хизматчилари ҳам КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1969 йил 26 июндаги «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг якунлари тўғрисида»ги қарорини зўр қониқиш билан ўқиб чиқдилар. КПСС делегацияси н и н г, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг жаҳон коммунистик ва ишчи партияларининг Москвада бўлиб ўтган халқаро Кенгашидаги ишини КПСС Марказий Комитети Пленуми тўла тўкис маъқуллаганлиги барча совет кишиларининг дилидаги нияти, фикри ифодасидир.

Коммунизмнинг нурафшон биносини бунёд этишга муносиб ҳисса қўшаётган ишчилар синфининг вакиллари шу кунларда Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига муносиб тўёналар билан боришни мақсад қилиб қўйганлар.

Ж. РОЗИҚОВ,
«Ташкенткабель» заводининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЯНГИ ТЕХНИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЎЗЛАШТИРИБ ОЛАЕТГАН ВА УНДАН УСТАЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНАЕТГАН КОРХОНАЛАР, ЦЕХЛАР, СОВХОЗЛАР, КОЛХОЗЛАР, БРИГАДАЛАР ВА МЕҲНАТ НОВАТОРЛАРИНИНГ ОММАВИЙ ИХТИРОЧИЛИГИНИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ҲАРАКАТИНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН РАҒБАТЛАНТИРИШ БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ АҲАМИЯТГА ЭГА.

(КПСС Программасидан).

БУЛАРНИНГ ПОРТРЕТИ „ШОН-ШУҲРАТ— ХИЁБОНИ“ДА

Сиз кўриб турган ишлаб чиқариш новаторларининг портретлари бугунги кунда «Победа» паркида қўйилган.

Суратларда (тепадан пастга):

ИНОҒОМЖОНОВ Марат Иброҳимович — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети енгил ва озиқ-овқат саноати бўлимининг инспектори.

ЛАВНИКАНИС Владимир Федорович — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи, пахта тозалаш бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг бош инженери.

ВИКНЯНСКИЙ Наум Аронович — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриети экспериментал цехининг бошлиғи. Иккинчи қаторда (тепадан пастга):

РОНГИНСКИЙ Ювеналий Владиславович — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи, пахтачилик учун машиналар яратиш Давлат махсус конструкторлик бюроси патент бўлими бошлиғининг ўринбосари.

ВЕРЕШЧАГИН Юрий Николаевич — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор, Ўзбекистон трактор йиғув заводи тишлик передачилар лабораториясининг бошлиғи.

КИМ Соломон Лазаревич — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи, «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинатида конструкторлик бюросининг бошлиғи.

ТЕХНИКА ИХЛОСМАНДЛАРИ

Бугун Халқ Комиссарлари Совети «Ихтирочилик тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаган кунга 50 йил тўлди. «Ихтирочилик тўғрисида»ги бу Низом Совет ҳокимиятининг ихтирочилар ҳуқуқини сақлашнинг социалистик формаларини ўрнатган биринчи қонундир.

Бу ҳужжат мамлакатимизда социализм қурилишининг тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган ихтирочилик ва рационализаторликнинг ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Хўжалигимиз учун зарур бўлган техника тараққиётининг ютуқларига ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришувда ихтирочилар ва рационализаторларнинг катта армияси амалга ошираётган ишлар муҳим роль ўйнамоқда. Ўтган йили Ўзбекистон пойтахтидаги завод ва фабрикалар, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотларининг коллективлари самарали меҳнат қилиб планга қўшимча 22 миллион сўмлик халқ хўжалиги ва кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқардилар.

Буюмлар ва механизмларнинг ўнлаб-юзлаб янги хилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, юқори иш унумли технологик поток линиялар қурилди, минглаб станок ва агрегатлар модернизациялаштирилди.

Бу улкан ишларни амалга оширишда рационализаторлар ва ихтирочилар катта армиясининг муносиб ҳиссаси бор.

Фақат ўтган йилнинг ўзидагина шаҳар халқ хўжалигининг машинасозлик, электротехника, енгил, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларининг корхоналарида 5 мингдан ортиқ ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида 2 ярим миллион сўмга яқин иқтисодий фойда олинди.

Шу йилнинг биринчи кварталидаги пойтахт рационализаторлари ва ихтирочилари томонидан тақдим этилган 2 мингдан ортиқ фойдали таклифлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу таклифлардан бир миллион 153 минг сўмдан зиёд шартли фойда олиш мумкин.

Кўпгина машинасозлик корхоналарида, ишчи, инженер техник ходимларнинг ихтирочилик ва рационализаторликда кенг қатнашишлари учун яхши шароит яратиб берилган. Масалан, «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқаришнинг юзлаб новаторлари технологик жараёнларни яхшилаш ишларида қатнашадилар, пахта териш машиналарининг конструкцияларига ўзгартиш киритадилар. Уларнинг таклифлари пахта териш машиналарининг сифатини оширишда, меҳнат ва металл сарфини камайтиришда қўл келмоқда. Корхонага ўн минг сўмлаб фойда келтирган Ю. Яровой, Н. Очилов, В. Плюшчик каби рационализаторлар корхона коллективи ўртасида катта ҳурмат ва эътибор қозонганлар.

Заводнинг кекса рационализатори Ю. Яровой, ўндан ортиқ таклиф киритган. У ишчи аппаратлар учун ременлар ишлаб чиқарувчи прессформа конструкциясини ўзгартиш тўғрисидаги бир таклифи учун Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти Марказий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган. В. Плюшчикнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган 24 таклифидан йилига 167 минг сўм иқтисодий фойда кўрилмоқда.

Тўқимачилик комбинатидаги ижодий бригада рационализаторларининг ишлари ҳам намуналидир. Н. Сорокина, П. Ковалев ўраш машинасида юмшоқ сув ишлатиш усулини топдилар. Меҳнат унумдорлигини оширган ва ип узулишини камайтирган бу таклифдан корхона йилига 25 минг сўм иқтисод қилади. Тайёр маҳсулотларни ташийдиган лентали транспортерни ишга тушириш тўғрисида Б. Емелин, М. Мамашев, И. Зайцев ишлаб чиққан таклиф меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга 8 кишидан бошқа ишларда фойдаланиш имконини берди.

Халқимиз ишлаб чиқариш новаторларининг ижодий меҳнати ва актив фаолиятини муносиб баҳоламоқда. «Таштекстильмаш» заводидан Б. Микуровга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи, Х. Ахсаниевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор деган фахрли ном берилди. Трактор йиғув, «Ташкенткабель», «Ўзбексельмаш», «Ўзбекхлопкомаш», электротехника, «Подъемник» заводларида ва бошқа корхоналарда рационализаторлик ва ихтирочилик ишлари яхши йўлга қўйилган.

Тошкент шаҳрининг рационализаторлари ва ихтирочилари Ўзбекистоннинг кўп минг кишилик меҳнат армияси билан бир сафда туриб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, техника тараққиёти ва янгиликлар яратиш борасида улкан ишларни амалга оширмоқдалар.

В. БАБИЧЕВ,
Тошкент шаҳар партия комитетининг инструктори.

МАНҒИШЛОҚ НЕФТИ

Узен нефть кони ускуналари группасининг ўлчовчиси Нурия Алжонова. У қудуқлардан нефть чиқишини кузатиб туради.

Б. Приходько фотоси.

(АПН).

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ҲИССАСИ

Тошкент темир йўли бўлими рационализаторлари ва ихтирочиларининг фаолияти бу йил анча активлашди. Шу йилнинг ўтган беш ойида 420 та рационализаторлик таклифи тақдим этилди. Булардан ишлаб чиқаришга жорий этилган 321 таклиф йилига 110 минг сўм иқтисодий фойда беради. Рационализаторлар сони ўтган йилдагига нисбатан 70 кишига кўпайди ва таклифларнинг фойдалилиги ҳам ортди.

Юк-товар станцияси рационализаторлари Т. Сталяров, М. Ёқубов, А. Ампейкин ва «Ташсельмаш» заводи транспорт цехининг бошлиғи О. Третьяковларнинг таклифлари кўплаб иқтисодий фойда келтирди.

В. ДМИТРИЕВ.

ИЖОДИЙ ФИКРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Янгилик яратиш, ихтиро қилиш ва рационализаторлик нима эканлигини ҳамда улар бир-бирларидан нима билан фарқ қилишларини ҳамма биладими? Кимлар янгилик, ихтиро, рационализаторлик таклифларининг муаллифи бўлаоладилар? Ихтиро ва рационализаторлик таклифининг ҳужжатларини қандай қилиб тўғри расмийлаштириш керак?

Осондек туюлган бу масалалар аслида мураккаб. Яқинда трактор-йиғув заводида ана шулар ҳақида бўлиб ўтган семинар Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти аъзоларида катта қизиқиш уйғотди.

Республика патентшунослик жамоатчилик институти директорининг ўринбосари И. Сапельников янгилик ихтиродан, ихтиро рационализаторлик таклифидан нима билан фарқ қилиши, кимлар иккинчи муаллиф бўлишлари тўғрисида муфассал гапириб берди.

Семинар давомида заводда рационализаторлик таклифини ва ихтирони бир хилда расмийлаштирилаётгани аниқланди. Аслида ҳар иккисини алоҳида-алоҳида расмийлаштириш керак.

Семинар қатнашчилари таклиф ва ихтироларни жорий этиш, уларнинг самарадорлиги учун, авторларни мукофотлаш тартиблари билан танишдилар.

Бу семинар одатдагидек бир тадбир бўлиб кўринсада, у рационализаторлар фаолиятини янада ошириб юборди. Ҳозир ишлаб чиқаришнинг кўпгина новаторлари янги таклифларни расмийлаштирмоқдалар, шунингдек ихтиро учун ҳужжатлар тайёрламоқдалар.

Трактор-йиғув заводида ижодий фикр эгалари кўплаб топилади. Янги техника бюросининг бошлиғи Э. Симашев, созловчи В. Крилов, техника бюросининг бошлиғи Г. Урозов, созловчи П. Фейгин, катта инженер В. Перфилов, мастер А. Громов, электрик В. Толпишев ва бошқалар заводга минглаб ва ўн минглаб сўм фойда берувчи кўплаб қимматли таклифлар киритдилар.

Ўтган йили тақдим этилган 162 таклифдан 81 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бундан 130 минг сўм иқтисодий фойда кўрилди.

Корхонада тежалган маблағлар ҳисобидан Ильич фонди тузиш учун бошланган кураш тобора қизиб боряпти.

Ихтирочилар ва рационализаторларнинг Бутуниттифоқ жамияти ишини янада жонлантиришга қарор қилинди. Чунки, заводда жамиятнинг 220 аъзоси борлиги етарли эмас. Бу жамият рационализаторлик ва ихтирочиликнинг оммавий характерда бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Ю. ВЕРЕШЧАГИН,
Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти трактор йиғув заводи Советининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор.

ОНА ВАТАН БЎЙЛАБ

ҚАЛЪАДА БАЛАНД БИНОЛАР

Эстония замонавий шинам қишлоқ посёлкалари бунёд этиш бўйича мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Республика архитекторларининг яқинда бўлиб ўтган X съездида шу гап маълум қилинди.

Республика меъморлари Ленинград, Москва, Болтиқ бўйи архетекторлари билан биргаликда қадимий Таллин иморатларини реконструкция қилишдек қизиқарли вазифани комплекс равишда ҳал қилишга киришдилар. Қадимий Таллиннинг барча савдо-сотиқ биноларини қайта қуриш экспериментал лойиҳалари тузиб чиқилди.

Калъа ва унга ёндош биноларда сайёҳлар базалари кафе, ресторанлар жойлашади. Баланд бинолар, шаҳарнинг марказий майдонида қурилаётган 22 қаватли меҳмонхона марказий қисм қиёфасини мукаммал қилади.

(ТАСС мухбири).

◆

ЁДГОРЛИКЛАР ЗАПОВЕДНИГИ

ВИЛЬНЮС меъморчилари республика пойтахтидаги эски маҳаллаларини комплекс равишда реконструкция қила бошладилар. Масалан, Горький кўчасида готика услубида қурилган уй-жой биноси таъмир этилди, XIV аср архитектурасининг ажойиб ёдгорлиги — Иоан костели реконструкция қилинмоқда. Эски шаҳарни реконструкция қилиш Вильнюс марказини архитектура ва тарихий революцион ёдгорликлар заповедникига айлантиради. Бу ерда замонавий архитектура иншоотлари ҳам қад кўтаради. Алюминийдан ойнаванд қилиб қурилган бадиий кўргазмалар саройи шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Яқин йиллар ичида Литванинг бошқа қадимий шаҳарлари — Каунас, Клайпеда ва Кедайняй ҳам комплекс равишда реконструкция қилинади.

(ТАСС мухбири)

◆

ЛЬВОВДАГИ ЯНГИ ИМОРАТЛАР

Шаҳар марказида ойна ва бетондан ишланган дастлабки баланд уйлар: область статистика бошқармасининг 12 қаватли биноси, «Львов» меҳмонхонаси ҳамда «Мир» кинотеатри қад кўтарди. В. И. Ленин проспектидаги «Красная шапочка» кафеси бўлган 8 қаватли уй-жой қадимий бинолар ансамблининг чиройига чирой қўшди. Бу иншоотлар қадимий Львовнинг ёйсимон томлари, мезана ва миноралари бўлган кўҳна уйларига мутлақо ўхшамайди.

ТАСС мухбири шаҳарнинг бош архитектори Р. М. Мих билан қилган суҳбатида эски ва янги архитектура бир-бирига зид келмайдими, деган савол берди.

—Ўзига хос архитектура ансамбллардан бири бўлмиш Львов, — деди бош архитектор.— ўз латофатини ҳеч ҳам бузмайди. Реконструкция қилиш бош плани эски марказ сақланиб қолишини кўзда тутади. Ўрта асрнинг тор кўчалари, ансамблнинг ҳаммаси ўзига хос заповедник бўлиб қолади. Ансамбль ёнида эса, замонавий архитектура иншоотлари пайдо бўлади. Қадимий бинолар ва янги бинолар пайвастаси шаҳарни кўркам, навқирон ва янада жозибадор қилиши шубҳасиздир.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ИНСТИТУТЛАРИ

Тошкент тўқимачиларининг техника тараққиёти ва иқтисодий бўлимлар халқ университети ректорати Москва ва Тошкентнинг кўзга кўринган мутахассисларини лекциялар ўқишга жалб қилди. Кейинги машғулотда тўқимачилик институтининг доценти Е. П. Резодубева энг янги тўқувчилик техникаси тўғрисида лекция ўқиди. Бундан олдин СССР Енгил саноат министрлигининг бошқарма бошлиғи П. П. Фоминский шу беш йиллида тўқимачилик саноатини техника жиҳатдан қайта қуриш масаласи тўғрисида лекция ўқиган эди.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ҳузуридаги техника тараққиёти университетининг саккизта тармоқ факультетида автоматлаштириш ва телемеханизация, пўлат магистралларни ишлатиш, ташкил этиш ва қуриш соҳасидаги кейинги муваффақиятлар ўрганилмоқда. Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводида, тепловоз депосида ва иккинчи вагон депосида университетнинг бўлимлари муваффақиятли ишлаб турибди. Тошкентда, Самарқандда, Чирчиқда ва Ўзбекистоннинг бошқа саноат марказларида ўттизтадан кўпроқ мана шундай техника тараққиёти университетлари ташкил этилган.

(ЎзТАГ).

ЗАРДЎЗЛАР ЭКСПО–70 га

ШАҲРИСАБЗ (Қашқадарё области). Шаҳрисабз зардўзларининг буюмлари халқаро виставкаларда такрор-такрор намойиш қилинган. Бу гал уларнинг буюмлари «кун чиқар ўлка мамлакати»га «таклиф этилди». «Ҳужум» бадиий фабрикасининг тикувчилари ажойиб дўппиларни тикишга киришдилар. Бу дўппилар Японияда ЭКСПО — 70да намойиш қилинади.

◆

Ҳисор тоғи олдида денгиз

ҚАРШИ. Ҳисор тоғ этакларида 15 минг гектар қўриқ ерни суғоришга ва эскидан ҳайдалиб келган ерларни сув билан яхшироқ қондиришга мўлжалланган. Пачкамар сув омборининг иккинчи навбати қурилиб бўлди. Ғузор дарё ва Ўра дарё сувини тўсиш учун 78 метр баландликда тўғон қурилди. Энди Пачкамар денгизи, икки юз олтмиш миллион куб метрга яқин сув сиғдира олади.

ХИВА. Хива шаҳар саноати комбинати ишлаб чиқараётган кулолчилик буюмларига талаб катта. Бу буюмларга халқ усталари қадимий архитектура ёдгорликлари, миллий орнаментларни маҳорат билан ишлашган.

СУРАТДА: уста кулол Ражаб Ортиқов иш пайтида.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ)

◆ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ЁТОҚХОНАДА ТАРТИБ ЙЎҚ»

Газетамизнинг шу йил 10 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Тошкент медицина институти ётоқхонасидаги тартибсизлик ва хўжасизлик танқид қилинган эди.

Институт партия ташкилотидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета танқиди тўғри деб топилган. Бу масала партия комитети йиғилишида кўрилди. Ётоқхонада истиқомат қилувчи студентларнинг турмуш шароитини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Жумладан факультет партия бюроларига, комсомол ва касаба союз комитетларига ётоқхонада тарбиявий-сиёсий ишлар олиб бориш планини тузиш ва унинг бажарилишини доимий назорат қилиб бориш топширилди. Ётоқхоналардан вақти-вақтида хабар олиб туриш зарурлиги кўрсатилди.

Булардан ташқари, ётоқхонани ремонтдан чиқариш, душ, буфет, ишини яхшилаш, чойшаб ва сочиқларни ҳамиша озода тутиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

● „ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“ РЕЙДИ

БОЗОРЛАР ФАЙЗИ ҚАНИ?

Сабзавот ва мева бозорларимизнинг ўзига хос азалий файзи, кўрки бор. Мана, ёз кириши билан азиз деҳқонларимиз бозорлар бағрига нур ёғдирди. Улар олиб келган анвойи ноз-неъматлар кўзни қамаштиради.

Хўш, колхоз бозорларимизда деҳқонларимиз келтирган сабзавот ва меваларни сотиш учун қандай шароит яратилган!

Биз «Октябрь» колхоз бозоридамиз. Кейинги пайтда бу ерда анча ўзгариш бўлди: майдончаларга асфальт ётқизилди, барча павильонлар ва соявонлар ремонтдан чиқарилди, савдо прилавкалари бўялди, сабзавот ювгичлар, сув ичиш учун ўрнатилган фонтанчалар қайта тузатилди...

Бозорда санитария-гигиена ишлари анча яхши йўлга қўйилганлиги кўриниб турибди. Чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилади, ҳаммаёқ супирибсидирилади.

Аммо шу пайтгача бозорнинг шаҳар канализациясига бириктирилмаганлиги, сут корпусига эса водопровод келтирилмаганлиги кишини ажаблантиради!

Олой бозорида эса аҳвол мутлақо бўлакча. Бозор кўчалар оралиғига жойлашган бўлиб, атрофи ўралмаганлиги сабабли баъзи қурилиш объектлари билан қўшилиб кетган. Оқибатда сотилаётган мева-чевалар чанг-тўзонда қолмоқда, бу эса санитария-гигиена қоидаларига мутлақо зид бир ҳолдир.

Олой бозорига келган деҳқонлар маҳсулотларини қаерга жойлашни билмай ҳайрон. Чунки бу ерда махсус омборхона йўқ.

Бўстонлиқдан келган бир отахон билан суҳбатлашиб қолдик.

— Аҳвол чатоқ, бўтам,—деб сўз бошлади ўрик тортатуриб отахон,— мана кўряпсизлар, марвариддек товланиб турган меваларга чанг-тўзон қўниб, кўркини буздикўйди. Бу ҳам майли-я, қўйишга жой бўлмаганидан сотилмай турган мева-чеваларимизни прилавка тагига жойлаймиз. Бозор тарқагач, қоровуллар чўкиртак супурги билан тасира-тусур тўзита кетишади. Ўзимиз ура четга қочамиз, молларимиз чангга ботиб қолаверади.

Отанинг бу гапларини унинг ёнида савдо қилиб турган деҳқонлар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Бозорни кўздан кечиришда давом этамиз. Кўпчилик деҳқонлар мева-чева, сабзавотларини ерда сотишяпти. Чунки павильонларда, соявонларда прилавкалар етишмайди.

Гўшт-сут корпусида қозонхона ишламас экан. Бу ерга ўрнатилган электр титанлари эса етарли иссиқ сув бермайди. Оқибатда корпус яхши тозаланмаётир.

Бозор территорияси ювилмайди, бу иш юзасидан тегишли ташкилот билан шартнома ҳам тузилгани йўқ.

Илгарилари «Ташпромторг»га қарашли бўлган павильонда сабзавот ва қуруқ мевалар сотилмоқда. Аммо баъзи камчиликлари бўлганик сабабли бу ҳалигача санитария назорати томонидан қабул қилинигани йўқ. Янги сабзавот павильони эса жуда секинлик билан қурилмоқда.

Санитария қоидаларига хилоф равишда иш тутгани учун Олой бозори директори Абдуллаев ва унинг ўринбосари Ёқубжонов ўртоқлар жарима тўлашган эди. Лекин улар ҳамон бундан тегишли хулоса чиқариб олишмабди.

Қўйлиқ сабзавот ва мева бозорига кирдиг-у, ҳангу манг бўлиб қолдик. Бу ердаги савдо столлари ниҳоятда ифлос. Асосий жойларни савдогарлар эгаллаб олганлиги сабабли кўпчилик деҳқонлар ўзлари келтирган мева-чеваларни ерга қўйиб сотишмоқда. Ҳатто, бу ерда нон ҳам ерга қўйиб сотилар экан. Бозор раҳбарлари эса бу ҳолни кўра-била туриб, ўзларини кўрмасликка солиб юраверар эканлар.

Бозорда қурилиш ишлари олиб борилаяпти. Ундан қолган турли чиқиндилар ҳар ер-ҳар ерда уйилиб ётибди. Сув иситиш хонаси эса ҳамон ишга тушгани йўқ. Ваҳоланки, бу ишни амалга ошириш муддати аллақачон ўтиб кетган.

Бу ердаги ахлат ташланадиган контейнерларнинг қопқоғи йўқлигидан, унга пашшалар ин қўйиб, ўни юзга, юзи мингга етмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки бозор маъмуриятида савдо пайтида деҳқонлар кийиши лозим бўлган санитария либослари етарли. Аммо ундан фойдаланишни ҳеч ким ўйламаётир. Бу кийимлар қаердадир чанг босиб ётибди. Деҳқонлар эса фартуксиз бемалол савдо қилиб туришибди.

Шаҳримизда Госпиталь бозорини билмаган, кўрмаган одам кам топилса керак. Деҳқонларнинг ҳам, харидорларнинг ҳам бу ерга келиши кундан-кунга ортиб боряпти. Бозор территориясининг торлик қилиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бозор шаҳар канализацияси билан ҳам уланмаган. Тозаликка хилоф бўлган бу ҳолатлар йигирма йил чамасида давом этиб келмоқда. Аммо бу ҳақда ҳеч ким бош қотираётгани йўқ.

Бозордаги савдо столлари ҳафтада фақат бир марта — душанба кунлари ювилар экан. Бу санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Госпиталь бозорининг Рисоваядаги филиалида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бозор территорияси ўралмаган. Бу ерда ҳам иссиқ сув бўлмаганидан прилавкалар ювилмайди. Савдо соявонлари етарли эмас, канализация йўқ.

Госпиталь бозори ҳамда унинг филиалида озодаликка риоя қилинмаганлиги учун унинг бошлиқлари санитария ташкилотлари томонидан бир неча марта огоҳлантирилган, уларга жарима солинган эди. Лекин ҳамон улар пинакларини бузганлари йўқ.

«Биринчи Май» бозорида амалга оширилган ишлар бизни бирмунча қаноатлантирди. Бозор территориясига асфальт ётқизилган, канализация яхши ишлайди, савдо тармоқларининг аксарияти ремонтдан чиқарилган.

Аммо сабзавот ва мева билан савдо қилинадиган соявонлар бир неча йилдан буён ремонт қилинмабди. Бозорда омборхона, совутиш установкаси йўқ, гўшт дўконлари санитария талабларига етарли жавоб бермайди.

Сельмаш бозорида ҳам иш қониқарли эмас. У шу пайтгача шаҳар канализациясига уланмаган. Сабзавотлар ювилган сув ариқларга оқизилади. Бу бозорнинг Шумилов, Паркент, Янгиобод, 4-турар-жой шаҳарчасидаги филиалларида ҳам санитария ишларига аҳамият берилмаётир.

Булардан ташқари, бизни яна бир нарса ўйлантириб қўйди. Шу кунларда шаҳримизнинг турли жойларида ўз-ўзидан бозорчалар пайдо бўлиб қолмоқда. Масалан, Чорсудаги трамвай айланмасида, Чилонзорнинг турли кварталларида сут-қатиқ, сабзавот ва турли-туман мева-чевалар сотилмоқда. Бу ерларда санитария-гигиенага мутлақо риоя қилишмайди, уларни тартибга чақириш эса милиция ходимларининг хаёлига келмаётир.

Тобора тўкинчилик авжига чиқмоқда. Ҳа демай, шаҳримизга қовун-тарвуз, узум ва турли ноз-неъматлар кела бошлайди. Хўш, бобо деҳқонларимиз бизга туҳфа этаётган ёз ноз-неъматларини қабул қилиб олиш учун бозор ходимлари етарли тайёргарлик кўрмоқдаларми!! Ҳозирча бу сезилмаётир.

Истардикки, бозорларимиз доимо файзли, озода бўлиб, деҳқонларнинг маданий савдо қилишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилса.

Ҳ. ЖАЛОЛОВ,
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи,

З. РИХСИЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар санитария-маорифи уйи ходими.

У. ЮСУПОВ,
Т. РАСУЛЕВ,
«Тошкент оқшоми» газетасининг махсус мухбирлари.

БУНДАН 50 йил илгари саводсиз ва қолоқ ҳисобланган Монголия бугунги кунда китобхонлар ўлкасига айланди. Бунинг учун тинимсиз ва машаққатли кураш йўллари босиб ўтилди. Монгол халқи маданий революцияга эришиш учун аввало сиёсий революция ғалабаларини мустаҳкамлаши керак эди. Бунинг учун эса, шубҳасиз, халқ билан муттасил сўзлашиб туришга имкон берувчи нашриётчилик фаолиятини кенгайтириш лозим эди.

Монголия халқ революцияси ғалаба қозонгач, янги ғоялар, янги сиёсатни пропаганда қилиш вазифаси туғилди. Партия ва ҳукумат революциядан кейин бир ҳафта ўтгач, босмахона Комитети фаолиятини яхшилаш ҳақида низом чиқарди.

Китобхонлар ўлкаси

Босмахона Комитети ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлабоқ оммавий иш олиб боришга киришди. Бугунги кунда эса мамлакатда саводсизлик батамом тугатилган экан, бундай улкан ютуққа эришишда ноширларнинг хизмати катта бўлди. Ҳар бир мактаб учун ўқув қуроллари — китоблар етиштириб бериш уларнинг зиммасида эди.

Мана, орадан 50 йил ўтди. Полиграфия саноати мисли кўрилмаган даражада юксалди. 1968 йилга келиб, 1921 йилдагига нисбатан ноширлик саноати 104 баробар ўсди.

Бугунги кунда нашриётларда йил сайин беш юздан ортиқ турли китоблар ва брошюралар қарийб 4 миллион нусхада босиб чиқарилмоқда. Сўнгги 30 йил мобайнида монгол халқи жаҳоннинг 70 мамлакатидаги юзларча ёзувчиларнинг асарларини ўз она тилида ўқишга муяссар бўлмоқда. Монгол китобхонлари совет ёзувчиларининг асарларини севиб ўқийдилар. Улар Пушкин, Толстой, Герцен, Некрасов, Ломоносов, Лермонтов каби рус ёзувчилари, Горький, Маяковский, Шолохов, Фадеев, Симонов каби совет ёзувчилари ва Гюго, Шекспир, Стендаль, Драйзер каби жаҳон классикларининг китобларини севиб қолишган.

Революциядан кейинги вақтларда сиёсий-ижтимоий адабиётлар кенг оммалашиб кетди. 1925 йилдаёқ Маркс, Энгельс, Ленин асарлари монгол тилига таржима қилина бошлади. В. И. Лениннинг юздан ортиқ номдаги китоблари ва брошюралари монгол тилида сал кам 2 миллион нусхада чиқди.

Ҳозирги кунда МХРнинг қайси бурчагига, қайси яйловига борманг, газетхон чўпонлар ва ишчиларни кўрасиз. Мамлакатда йил сайин 30 дан ортиқ газета 70 миллион нусхада 25 журнал 2,3 миллион нусхада нашр этилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, у ёки бу газета, журналнинг деярли ҳар бир сонида В. И. Лениннинг назарий асарлари ёки улардан олинган парчалар эълон қилинди. Монгол авторлари Ильич асарлари ҳақида ўз мақолалари билан қатнашиб турадилар.

Халқ иши учун, социализм ғалабаси учун курашда партияга ёрдам бераётган матбуот кун сайин кенгроқ тус олиб боряпти.

Султон АКБАРИЙ.

МЎҒУЛ МАДҲИ

Мўғул—
дунёга ўғил,
Пайдо бўлган саҳройи шоҳ санъатдан,
Жаннат қочиб кетган жойда ҳайратдан,
Офтоб, шамол аралаш куч, ғайратдан,
Бир қиёқнинг гуллашига рағбатдан,
Аждодлари йилқибоқар аратдан.
Мўғул —
дунёга ўғил,
Балки тарзим ўхшашлиги шундандир,
Қаро кўзим саҳродаги тундандир,
Лолаларим совумаган хундандир,
Қўшиқларим чўл елпиган ундандир,
Бугун кўнглим дўстлар-ла овунгандир.
Мўғул —
дунёга ўғил,
Қаҳрамонлик тўла руҳинг, хотиринг,
Минг достонлик битта Сухэ ботиринг,
Томирида олов қайнаб ётиринг,
Пойга қўйсанг, дегувчи у: «Қотиринг!»
Қуламасин чўлда тиккан чодиринг.
Мўғул —
дунёга ўғил,
Ўзбек уйи қўноқ билан бир сулув,
Насиба қўшилса, ширин ошу сув,
Қандай ярашади бахтда эш бўлув,
Қуллуқ қилиб деймиз аҳли ёр дув-дув:
«Тавтай морилно уу!»
«Тавтай морилно уу!»

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

«УЗОҚДАГИ ЁР»

Яқинда, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти шоир ва ёзувчи Ғайратийнинг янги бир қиссасини босмадан чиқарди.

«Узоқдаги ёр» деган бу қиссада ёзувчи эркин, иродали ўзбек қизининг ажойиб саргузаштини баён қилади.

Асарнинг бош қаҳрамони — Нафисахон ўз бахти йўлида одил қадам босади, анча воқеаларнинг шоҳиди бўлади, севги фироқида азоб тортади ва ўз аҳдига вафо қилади. Нафисахоннинг ажойиб саргузаштлари ҳақида китобхон асарни ўқиш жараёнида муфассал танишади.

С. ҚЎЧҚОРОВ.

Адабиёт ва санъат

«Мен жавоб бераман.» Фотоэтюд.

Ч. ДАМДИНСУРЭН.
мўғул шоири

ХУМОР-ХУМОР КЎЗЛАРИНГ...

Хумор-хумор кўзларингнинг
жилоси
Кўзга дарё мавжи каби
мусаффо.
Шу мавжларнинг
зангор-зангор имоси,
Ўз қаърига тортди мени,
дилрабо.
Оқ юзларинг, оҳ, шундайин
майинки,
Кун нурида жило сочган қордан
оқ.
Ўша қордан бир учқунин
бергинки —
Юрагимнинг ҳоврин босай
зумдаёқ.
Йўқ, йўқ асло, беҳудадир
тенгламоқ
Жамолингни фақат қор у сув
билан.
Аслида-чи, юксаликдан
юксакроқ.
Порлаб турган бир юлдузсан—
мангу шан.
Боқишларинг қуёш янглиғ
оташдир,
Эй сен — менинг сеҳргарим,
малагим.
Шу нигоҳлар ёлқинига
туташдир —
Бутун умрим, орзуларим,
матлабим.

Абдулла Шер таржимаси.

Республикамизда Монголия Халқ Республикаси кунлари зўр қувонч билан ўтмоқда. Сиз суратда монголиялик дўстларимиздан бир группасини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

Юлдузлар остида

ҲИКОЯ

КУНЛАРДАН бирида мен чўлда, серюлдуз осмон тагида, очиқ ҳавода ётиб қолишга мажбур бўлганман. Бу воқеа шундай рўй берган. Биз санитар Сурэн билан биргаликда адир-ма-адир юриб, молларни эмлай бошлаганимизга ўн кундан ошиб кетган эди. Аратлар очиқ кўнгиллик билан бизларга ўз молларини эмлаш учун топширар эдилар. Фақат Дамби деган арат бизнинг эмлаганим келаётганимизни эшитиб қолиб, ўз подасидан ўнлаб буқа ва соғин сигирларини тоғ томонга яшириб қўйибди. Сурэн оёғини тираб туриб олди:

— Яшириб қўйган молларингни олиб кел!— деб талаб қилди.

Лекин Дамби қайсарлик қилди:

— Ишингни қил, ялангоёқ!— деди у жаҳл билан.

Шунда Сурэн шитоб билан от минди-ю, кечга яқин Дамбининг молларини ҳайдаб келди. Ўн кун мобайнида Сурэн ҳеч кимдан бундай қўпол сўзларни эшитмаган эди. Ҳамма ерда уни қаттиқ иззат қилишар, эркалаб «Сумка Сурэн» ёки «кокилдор» деб аташарди. У пайтларда кичик ветеринария ходимлари каттакон қора брезент сумка кўтариб юргувчи эди. Сурэн ҳам шундай қиларди. Унинг доимо тиккайиб турадиган сочлари эса қокилдор деб лақаб олишига сабаб бўлганди. Аратлар Сурэнни юракдан ҳурмат қилишига бошқа сабаб ҳам бор эди. У ҳар гал ўртоқларга жўшқинлик билан мурожаат қиларди.

— Мен сизнинг бригадангиз, фермангиздаги барча молларга жавоб берувчи санитар сифатида, монгол революцион ёшлар союзининг аъзоси сифатида мурожаат қиляпман, —дер эди у тўлқинланиб.

Балки тиниб-тинчимаслиги учун ҳам одамлар уни иззат қилишган бўлишса керак. Дамбидан бундай қўпол муомала эшитгандан кейин кеч кириб қолганига қарамай, Сурэн иккаламиз йўлга тушишга мажбур бўлдик. Бепоён чўлга чиқиб олганимизда ундан сўрадим:

— Бу яқин орада бирон-бир манзил борми!

— Йўқ, манзилгача узоқ,— деди Сурэн.— Бу кеча очиқ ҳавода ётадиган бўлдик. Дамбининг уйида ётгандан кўра очиқ ҳаво ҳам дуруст.

Тун қуюқлашиб кетди. Шунинг учунми, дўстимни гапга солгим келаверди.

— Болаларинг кўпми!

— Йўқ, уйланишга вақтим бўлмаган,— деди у кулимсираб ва хўрсиниб давом этди.— Албатта, уйланадиган вақт бўлган ҳам. Ўшанда мен 18 ёшда эдим. Ганган Сумья деган қизга уйланишимга ҳам оз қолган. У жуда чиройли қиз эди. Менга ёқарди.

Ўша пайтларда отам баг раиси эди. Сумья Ганганнинг отаси эса савдо агенти бўлиб ишларди. Кўпинча ҳар иккала оила биргалашиб кўчиб юрарди. Шундай қилиб, мен қиз билан танишиб қолдим. Мен Сумья билан дўстлашишни истардим. У эса, гарчанд тенгдош бўлсак ҳам менга паст назар билан қарарди. Барибир, ота-оналаримиз бизларни уйлантириб қўйишадиган бўлди. Дастлаб ҳамма нарса силлиқ борди. Лекин орадан кўп ўтмай мен ўзимнинг ревсомол ишларимни бутунлай ташлаб юбораётганимни сезиб қолдим. Бунга сабаб Сумьянинг қайсарлиги эди. Мен энди йўлга отланай деб турганимда у отнинг эгарини ечиб ўзини ҳайдаб юборар эди. Мабодо ревсомолчилар мажлисига борсам ҳам келганимдан кейин Сумья тинчлик бермас, жанжал-тўполон кўтарар эди. Иш шунгача бориб етдики, бизлар ажрашиб кетдик. Ахир мен оилам деб ревсомол ишидан воз кечаолмасдим-ку! 14 ёшимдан бошлаб революцион бўронларга кўникиб қолган бўлсам.

«Қанақа революцион бўронларни айтяпти» деб ўйладим мен ва сўрадим.

— Ўн тўрт ёшингизда нима бўлган.

— Мен ўн тўрт ёшимда монгол революцион ёшлари союзига аъзо бўлиб кирганман, ревсомолга кириш учун ёшимни бир йил ошириб кўрсатганман. Ўша пайтлардаёқ ревсомол аъзоларини ўқитар, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига қатнашар, агитация ишларида иштирок этар эдим. 16 ёшга тўлганимдан кейин хизматга киришга бел боғладим. Менга ёрдам беришди, ветеринария санитари қилиб тайинлашди. Мана, 12 йилдирки шу вазифада ишлайман, чўл кезганим-кезган. Ўтган йили ёзда мен яна уйландим. Албатта оилам билан яшагим, ўғил кўргим келади. Лекин мен фақат оиланинг эмас, мана бунинг ҳам эгасиман-да,— деди Сурэн фуражкасининг пешонасига тақилган қизил юлдузни бармоғи билан кўрсатиб.

Шундан кейин биз узоқ вақт жим бораверdик. Енгилгина, совуқ шамол эсар, баданим жунжикар эди.

— Совуқ едингизми!— деб сўради Сурэн. Мен ҳам ростини айтдим. Шунда Сурэн:

— Сиз бораверинг, мен ҳозир бирон йўлини топармак,— деди-ю, чўлнинг ичкарисига қараб от суриб кетди.

Мен унинг нима қилмоқчи эканлигини тушунмадим. Орадан 20 минутча ўтгач, кимнингдир қўшиқ товуши эшитилди. Товуш яқинлашиб келарди. Куйчининг овози тиниқ ва кучли эди. Мен ҳеч қачон Сурэннинг шундай овози бор деб ўйламаган эканман. Орадан кўп ўтмай Сурэн иккита туя етаклаб келиб қолди. Сурэн уларни нима учун олиб келганини кейинроқ пайқадим. Ўша куни мен туялар панасида очиқ ҳавода ётиш усулини билиб олдим. Сурэн туяларни ёнма-ён чўктирди. Биз эса уларнинг ўртасига ётиб олдик. Туяларнинг панасида иссиққина жойда ётар эканмиз отларимиз қовжираб кетган ўтларни чимдиб юрганини эшитардик. Шу кеча мен биринчи марта очиқ ҳавода ётишим эди. Анчагача ухлай олмадим. Сурэн эса бунга кўникиб кетган экан. Дарров уйқуга кетди. Ой нурида унинг чеҳрасини аниқ кўриб турардим. Пешонаси ва юзлари ажин билан қоплангани учун уни ҳеч ким ёш йигит деб ўйламас эди. У бутун умрини меҳнатга бағишлаган. Жазирама иссиқда ҳам, қаҳратон совуқда ҳам отдан тушмай ўз ишини қилган. Унинг ёшлиги шундай ўтган. Лекин бу йигит ҳечқачон, ҳечкимдан мақтов ҳам, ташаккур ҳам кутмаган. Нимаики қилса, зарурат деб ўйлаган. Ой нурида пешонасидаги юлдузнинг тилларанг қирралари ярақлаб кўринарди.

Бу юлдузнинг Сурэнга нима аҳамияти бор экан! Чамаси жуда катта аҳамияти бўлса керакки, шунчалик қадрлайди.

Агар Сурэндан ҳаётнинг мазмуни нима, деб сўрасангиз, қандай жавоб беришни билмайман. Лекин у ҳаётимнинг мазмуни севган ишимда, деб жавоб беришига ишонсангиз бўлади.

Сурэн ярим кечагача тош қотиб ухлади.

«Неча кечаларни шундай ўтказган экан» деб ўйладим мен. Бунинг учун уни ким қадрлайди. Тўғри, сомон ветврачи уни яхши, меҳнатсевар санитар деб атади.

Ҳатто сомон партия ячейкасининг секретари ҳам Сурэнни ажойиб одам деди. Унга сен энди ревсомол ёшидан ўтдинг, партияга кир, дейишганида Сурэн рози бўлмабди.

— Менда партия аъзоси бўладиган даражадаги илм йўқ. Ревсомол билетини қолдираверинглар,— дебди.

Ревсомол билети унга хотира бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам у ўзини ревсомол аъзоси деб ҳисоблайди.

Ушбу куз кечасини мен дўстимнинг тақдирини ўйлаб бедор ўтказдим. Тонг отганида эса Сурэн иккаламиз отларни эгарладик-да, яна йўлга тушдик.

П. ЛУВСАНЦЭРЭН.
«Современная Монголия» журналидан.

ЭКРАН ЯНГИЛИКЛАРИ

Серафим Фролов севгиси

Бу бадиий фильмни «Мосфильм» киностудиясининг санъаткорлари Н. Евдокимовнинг «Керакли одам» қиссаси асосида яратганлар. Сценарийсини Николай Евдокимов ёзган бу фильмга Семён Пўлатов режиссёрлик қилган.

— Психологик характердаги ва ҳаёт ҳақиқати билан суғорилган роллар мен учун қадрлидир ,— деб ҳикоя қилади Л. Куравлев. Мен ўзим ижро этадиган образга ҳаётда, турмушда орттирган, кўрган нарсаларимни сингдира олсам ғоят мамнун бўламан...

«Серафим Фролов севгиси» фильмида Л. Куравлев бош ролни ижро этади.

...Улуғ Ватан уруши тугагандан сўнг солдатлар туғилган жойларига қайтиб кела бошладилар. Серафим эса борарга бир манзил топа олмайди. У ёшлигидаёқ ота-онасидан ажралади, болалар уйида тарбия топди. Иш билан бўлиб у жойдан бу жойга кўчиб юради. Кейин фронтга, урушга кетади, Фролов фронтда зўр жасорат кўрсатади. Унинг довруғи бутун мамлакатга таралади, кўплаб хатлар олади. Шу хатлар ичида Елкино посёлкасидан нотаниш бир қизнинг мактуби ҳам бор. Қиз мактубига ўз расмини ҳам қўшиб юборганди. Серафим фронтдан тўппатўғри қиз ҳузурига йўл олади.

Лекин йигит умидлари пучга чиқади. Настя яхши кўрган йигит урушда ҳалок бўлган эди...

Париж-Варшава визасиз

(КАЗИМЕЖ СЛАВИНСКИЙНИНГ «СОМОВИЙ САРГУЗАШТЛАРИ» НОМЛИ ҚИССАСИ АСОСИДА).

Сценарий муаллифи: Казимеж Кожневский, режиссёр Хероним Пшибил, оператор Станислав Лот.

Ролларда: Пола Ракса (Эльжбета). Мечислав Каленик (Янотт), Мечислав Чехович (Лан Чак) ва бошқалар. «Ритм» ижодий уюшмаси маҳсулоти, Польша.

Бу саргузашт учувчилар ҳақида. Фильм қаҳрамони — майор Янотт бир вақтлар ҳарбий учувчи бўлган. Эндиликда эса у Қоҳира ва Парижга қатнайдиган халқаро пассажир самолётини бошқаради. Ниҳоят 1966 йил у ўзининг 4 миллион километр йўл босганлик юбилейини нишонлайди.

Самолётда паспортсиз, белгисиз Эльжбета исмли бир гўзал қиз саёҳат қилиб келарди. Янотт-нинг экипажидаги учувчилар бу қизни 1946 йил Парижда учратган эдилар. Унинг асли келиб чиқиши поляк бўлиб, ватанига қайтишини хоҳларди. Учувчилар ўз машиналарида қизни Польшага олиб кетмоқчи бўладилар. Лекин самолёт момақалдироққа дуч келиб, бир неча бор ерга қўнади. Немислар ердаги Америка аэродромидан қочишади. Хуллас, кўп саргузаштларни бошларидан кечиришиб, қизни ўз Ватанига олиб қайтишади.

СУРАТДА: «Серафим Фролов севгиси» фильмидан кадр.

КАТТА ИШОНЧ

ЁШ шоир Муҳаммад Алининг номи шеърият мухлисларига анчадан буён таниш. Унинг «Шафақ» тўпламидаги шеърлар ранг-барангли гидан ташқари янги туйғуларга молик. Чуқурроқ мушоҳада қилинса гулзор атрофида парвона бўлаётган булбулларнинг хониши бевафо гуллар учун янгилик эмас:

Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин
Бағри қотмиш ғунчанинг басским эрур хандон анга.

Алишер Навоий юқоридаги байтида булбул гулдан вафо истайди, лекин фалакнинг ёғдириб турган раҳмсиз жолаларидан ғунчанинг бағри аллақачонлар қотган. Булбул не чоғлиқ хониш қилмасин барибир гулнинг юрагида мудраган шавқу-завқларни уйғатолмайди демоқчи. Муҳаммад Али қандай таскин берганлигини шеърий хонишлардан билса бўлади:

Қуёшга парвона бўлганда, бир дам,
Милтироқ шамингни ўйлаб қўй, одам!

Бу фардаги ғоя халқ мақолларидан бирида ҳам учрайди:

«Бу кунингни унутма, хом чориғни қурутма». Демак, шоир ўзбек халқи яратган мақолларни ижодий қайта ишлаб, уни ғоявий бадиий жиҳатдан юксак даражага кўтаришга урунган. Чиндан ҳам халқ ижодига мурожаат қилган шоир ёки ёзувчи ниҳоятда қисқа гап билан мазмундор фикрларни баён этиши турган гап. М. Али халқ оғзаки ижодини пухта ўрганиши ва ундан маънавий озиқланиши натижасида бир қатор халқчил, ҳажми қисқа шеърларни яратишга муваффақ бўлди. Масалан, унинг «Янги йил кечасида» деган шеърида бағоятда теран маъно бор»

Суҳбат соз эди, даври — қиёмат,
Лоладай қизармиш қадаҳлар бари.
Юрак-юрагидан йигитга фақат,
Фақат бахт тилашди ёру-дўстлари.
Ҳаммага бош эгиб қўяр паришон,
Хаёллари эса даврадан йироқ.
Янги бахт тиларди дўстлари ҳамон,
Ул эски бахтини қўмсарди бироқ.

Бундан ташқари «Она дуоси», «Прометей», «Илтижо» ва «Сени соғинганда» каби шеърларида ниҳоятда содда тил билан айтилган улкан фикрлар мавжуд. Лекин бир шеърдаги иборат иккинчи шеърда ҳам баъзан учраб туради:

Мен қошингда айбдорман деб,
Ўкинсайди ҳеч бўлмаганда!
(«Прометей»).

«Сувга тушган тош каби»... шеърида:

Ўкинсангчи, сен ахир маюс,
Йиғласанг-чи, ҳеч бўлмаганда!...

Шоир тўққиз, айниқса ўн бир бўғинлик шеърларида туроқни ҳам бир меъёрда сақламайди. Бу ўринда Озод Шарафуддиновнинг «Замон, қалб, поэзия» китобидан шеърий техника масалаларига оид тубандаги фикрни келтириш мумкин: «Ўзбек поэзиясида ритм яратишда туроқнинг роли катта. Бироқ шоирлар туроқ масалаларига ҳам етарли эътибор бермаётирлар: Умуман, шеър техникаси ҳақида гапирганда сўнгги йилларда поэзиямизда бир хил ритмлар бир хил интонацияларнинг ҳукмрон бўлиб қолганини кўрсатиш керак (асосан 11 бўғинли ва 9 бўғинли) Хуллас, юқоридаги айрим камчиликлар ҳам шоирнинг ўзига хос йўллар излаётганлигидан далолат беради. Мисол учун «Машраб» достонида янгича банд қурилишига эга бўлган саккизлик бор. М. Али достон сюжетини ҳикоя қилишда характерларни очишда тилдаги тасвирийликнинг барча воситалардан ўринли фойдаланган. Айниқса, бадиий образлар устида ишлашда ўзига хос манера қўллаган; Достондаги табиат тасвирлари, чунончи ёридан айрилган Машрабнинг руҳи билан уйғунлашган:

Гулгун хаёлидай бепаён саҳро, офтоб
даргоҳида қоврилиб ётар.
Машраб монологи эса фалсафий фикрларга бой:
Барчанинг шодликдан ёнар юзлари,
Ўйинлар, курашлар, сурнай, ноғора...
Шуми ҳаёт мағзи фақат, дўстларим!
Шу бечораликдан менинг ҳисларим!
Топа олармиди дардига чора?
Асли-ку, одамнинг толеи нигун
Яна ўзни алдаб ўтказишар кун...

Бу парчанинг маъносини англаган кишининг назарида Машраб бир баланд чўққида туриб, атрофни кузатиб бўлган-у, қуйи тоғларда ивирсиб яшаётган замондошлари у кўрган уфқларни ҳали вери кўролмасликлари аниқдек!

Қисқаси, агар достондари ҳақиқий ғояни маъшуқ деб тасаввур қилинса, у ҳолда китобхон ошиқ; Маъшуқ нозу-истиғно айлаганига ошиқнинг ихтиёрини олади. Ошиқ маъшуқани белидан энди ушлайман деганда соҳибжамол яна лип этиб қочиб қолади. Мабодо ошиқ маъшуқнинг васлига етмоқчи бўлса, аввало риёзат даштидан ўтмоғи керак. Васлига етгандан кейин унинг камчилигини ахтараверади. Шуларни эътиборга олиб қараганда ҳам М. Алининг достони умуман, ўзбек адабиётида муҳим ҳодиса бўлиб қолишига ишонч катта,

А. ҚОСИМОВ.

ОНА.
В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоэтюди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ҚОҲИРА ЗОНАСИДА ОТИШМА

ҚОҲИРА. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари вакилининг МЕН агентлиги эълон қилган баёнотида айтиладики, кеча маҳаллий вақт билан кечаси соат 3 да Сувайш канали зонасида Миср қўшинлари билан Исроил қўшинлари ўртасида яна отишма бошланиб кетди.

Қуролнинг хилма-хил турлари ишлатилган отишма, дейилади баёнотда, Аччиққўлнинг жанубидаги Ашшат ва Ашшалуфа районида бошланиб кейин Порт-товфиқ ва адабий районларига, шунингдек каналнинг шимолий секторидаги Ал-кантара районига ҳам ёйилди.

Миср қўшинлари Аюн Мусо районида душманнинг бир қанча ўт очиш нуқталарини бостирдилар ва исроилликларнинг олдинги позицияларига келаётган бир неча автомашинани яксон қилдилар.

Отишма маҳаллий вақт билан соат 13-20 минутда тўхтади.

TEAMSTERS LOCAL 938
DEMANDS
A BILL OF
RIGHTS
FOR LABOR

Канадада бир кун ҳам синфий кураш тугамайди. Яқинда мамлакатнинг энг йирик шаҳарларидан бири Онтарио вилоятини меҳнаткашлари Торонто шаҳрида кўп кишилик намойишга чиқдилар. Намойиш қатнашчилари бу вилоятда ишчиларнинг талабларини, жумладан забастовка ва ишлашларини таъқиқлайдиган ғайриқонуний иш тутмоқчи бўлган ҳукуматга норозилик билдирдилар.

Суратда: намойишчилар колоннаси Торонто кўчаларининг бирида.

В. Никитин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ШАБАН-ДЕЛЬМАСНИНГ ҲУКУМАТ БАЁНОТИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Бош министр Шабан-Дельмас кеча миллат мажлисида ҳукумат номидан Баёнот бериб, янги француз ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсатидаги асосий йўналишларни айтиб берди.

«Франциянинг ташқи сиёсати, бир томондан давомийлик билан белгиланса, иккинчи томондан эса, қарашларнинг кенглиги билан белгиланади, деди Шабан-Дельмас. — Франциянинг асосий вазифаси халқаро соҳада иноқлик, кескинликни юмшатиш ва ҳамкорликни таъминлаш йўлида ўз ролини ўйнамоқ учун, менимча, ҳаракатларнинг муайян эркинлигини сақлаб қолишдан иборат бўлади».

Бош министр уқтириб айтдики, Франция «Совет Иттифоқи ва шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик сиёсатини давом эттираберади. Бу сиёсат иқтисодий соҳада ўзининг самараларини бера бошлади ва чинакам сиёсий ҳамкорлик тусини олмоқда».

Биз деди, Шабан-Дельмас, ўзимизнинг иттифоқларимизга, жумладан Шимолий Атлантика иттифоқига ва АҚШ билан дўстлигимизга ҳам содиқ бўлиб қоламиз. «Умумий бозор»га янги аъзо бўлиб киришни истаганлар орасида биринчи қаторда Англия турибди. Мана шундай янги аъзоларнинг қабул қилишга келганда, деди бош министр, бу масала Франциянинг ҳамдўстликдаги шериклари билан мунозара қилинмоғи ва олдиндан келишиб олинмоғи лозим.

НИГЕРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛАГОС, (ТАСС). Нигерия мудофаа министрлиги вакилининг берган хабарида айтилишича, федерал ҳукуматнинг ҳарбий-ҳаво кучлари шарқий Нигерия сепаратчиларининг тезюрар олтита катерини сувга ғарқ қилганлар ва Ндонидаги кемалар бекатини ёндириб юборганлар. Авиация ҳужуми вақтида бир неча юк кемаси ҳам яксон қилинган. Сепаратчилар федерал ҳукумат қўшинларига ҳужум қилиш учун Ндонини ўзларига база қилиб олган эдилар.

София. Асбобсозлик илмий текшириш ва лойиҳа конструкция институтининг бир группа конструкторлари «Аналог-3» ярим ўтказгич приборларида йиғилган кичик габаритли электрон-ҳисоблаш машинасини ихтиро қилдилар. Бу машина илмий текшириш институтлари, ўқув юртлари ва баъзи корхоналарда қўлланилади.

Суратда: машинани ихтиро қилишда қатнашган инженерлардан Димитр Драгоев ва Теодора Манева баъзи блокларни кўздан кечиришмоқда.

БТА — ТАСС фотоси.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари жангчилари ҳужум операцияларини давом эттириб, душманнинг аскарларига ва техникасига жиддий шикаст етказмоқда.

Вьетнам информация агентлиги озодлик матбуот агентлигига асосланиб хабар беради: Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 18 июнга ўтар кечаси артиллериянинг мадади билан Дукхоа шаҳри яқинидаги Лонган вилоятида ва Хаунгиа ҳарбий секторида қўғирчоқ армиянинг 25 — дивизияси позицияларига ҳужум қилдилар. Дадиллик билан ўтказилган ҳужум натижасида қўғирчоқ армиянинг бир рота солдати қириб ташланган, 4 та ҳарбий кема сувга ботириб юборилган.

Контум вилоятидаги операциялар вақтида Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари қисмлари 21 ва 23 июнда Сайгон армияси 47-полки 2-батальонининг юздан ортиқроқ солдат ва офицерини йўқ қилдилар ва сафдан чиқардилар. Душманнинг кўплаб ҳарбий анжомлари қўлга туширилди, 6 танкер билан яксон қилинди.

ИСРОИЛ ОККУПАЦИЯЧИЛАРИНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС) Исроил ҳукуматининг Қуддусни ўзига қўшиб олиш чораларини кўраётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун Иордания хавфсизлик кенгашини чақиришни талаб қилди.

Иорданиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакили Муҳаммад Ал-Фарра хавфсизлик кенгаши раисига топширган мактубида Исроилни хавфсизлик кенгашининг резолюциясини бузаётир деб айблади. Шу резолюцияда Исроилнинг 1967 йил июнида ўзи босиб олган Қуддус шаҳрининг арабларга тегишли қисмидаги мавжуд ҳолатни заррача бўлса ҳам ўзгартириши таъқиқлаб қўйилган эди. Мактубда айтиладики, Исроил маъмурлари 25 июнда Қуддуснинг эски шаҳар қисмида яна бир группа араб оилаларини мажбуран кўчиртириб юборганликларини эълон қилдилар. Уларнинг уйларга ва шунингдек улар маҳалласидаги мачитга Исроил солдатларини жойлаштирмоқчилар.

Мана шунинг ўзи бутун Қуддусни ўз қўлларига ўтказиб олмоқчи эканликларини очиқ айтган Исроил оккупациячилари қилаётган жуда кўп ўзбошимчалик ҳаракатларининг кейинги намуналаридан бири, холос.

Азиз Несин

Ғаройиб болалар

Ваннахонага кирсам, кир ювишаётган экан. Секингина икки бўлак совун олдим. Тоғорада қайноқ сув турган экан, совунни шунга ташладим. Бир пасда совун эриб кетди. Тоғорани кўтариб, коридорга чиқдим. Латтани тоғорага тиқиб ҳамма зиналарни бир-бир артиб чиқдим. Ўзимга қулай бўлишлиги учун ишни биринчи қаватдан бошладим. Бундоқ қарасам, Метин юқорида турган экан.

— Ҳа, нима қиляпсан? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Дамингни чиқарма, кейин кўрасан.

Бошқа одам тойиб кетмасин, деган мақсадда тепага чиқиб қараб турдик.

Меҳмон ўрнидан турди. Метин икковимиз ичкари кирдик. Бувам билан дадам уни эшиккача кузатиб қўйишди. Қўл бериб хайрлашишди.

— Хўп, хайр, афандим.

— Яхши боринг, бейафандим.

— Бирор хизматлари бўлса, ҳамиша тайёрмиз, афандим..

Гапи бўғзида қолди. Чап қўли юқорига кўтарилиб, қаттиқ чайқалиб кетди. Бувам билан дадам ичкари кириб кетишди.

— Уйдан чиқиб, нега ўйноқлаб кетди у? —деди бувам дадамга қараб.

Дарҳол жавоб бердим.

— Иши ўнгидан келгани учун хурсанд бўлиб кетгандир-да, бува.

Метин икковимиз югуриб балконга чиқдик. Бундоқ қарасак, бинонинг эшиги олдида иккита оёқ чўзилиб ётибди. Машинаси шу ерда экан, шофёри югуриб келди. Шофёр зўр журналистни аранг турғизди, кейин қўлтиғидан олиб, машинига ўтказиб қўйди.

Метин ўша куни роса яйраб кулди. Ундан кўнглим тўқ, ҳеч кимга айтмайди. Аммо ўзимни ваҳм босди — бечоранинг боши ёрилса нима бўларди? Ҳар ҳолда омади бор экан, майиб бўлгани йўқ.

Анчадан кейин уйга қайтиб кирдим. Дадамнинг қўлида газета.

— Ҳа, гап нимада эди? — кўзини очди бувам.

Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.

— Чаласи қолмовди. Гапни тугатган эдингиз.

— Ҳа, дарвоқе.... Хўш, атом уруши бўлармикин?

Дадам бир нималар ҳақида гапирди, кейин бояги меҳмоннинг кимлигини сўради.

— Сўраб нима қиласан уни, ўғлим. Ҳар қандай вазиятда ҳам оёғини тўрт қилиб юрадиганлардан...

— Бува, илтимоси нима бўлади, ўртоғингизга айтиб қўясизми?

— Одамнинг юзи иссиқ бўлади, қизим. Ваъда бериб қўйдим, энди бажариш керак.

Бувам курсига бемолол суяниб олди. Бу гал фикрга толди чамамда. Дадам оёқ учида юриб, ташқари чиқиб кетди.

Сен олдинги хатингда гапим кўпайиб кетди, деган экансан. Меники сеникидан ошиб тушди, Мана, кўрдингми?!

Сенга ва ҳамма ўртоқларингга саломлар йўллайман. Ҳаммангизга муваффақият тилаб

Зайнаб ЕЛҚИР.

Р. С. Ўша машҳур журналист ўтган йили мактабимизда гапирганида азбаройи таъсирланиб кетганимдан кўз ёши тўкиб олган эдим. Энди бунақа гапларни эшитсам, сира ҳам йиғламайман.

З. Е.

ҚИРОАТ КЕРАК

Истамбул,
20 январь, 1964 йил.

Жондан яқин ўртоғим Зайнаб.

Сен айтган машҳур одамни нега танимас эканман? Мактабимизга келиб, ватанпарварлик ҳақида кўпириб гапирганлари ҳамон эсимда турибди.

Хатингда иловаси ҳам бор экан. Бундан буён энди шунақа гапни эшитсам, асло кўз ёши қилмайман, деб ёзибсан. Бу мумкин эмас, Зайнаб. Йиғламай иложинг йўқ. Пиёз тўғраётганда ҳам шундай бўлади. Ҳеч ким кўзидан атайлаб ёш чиқармайди. Ўзи қуйилиб келаверади. Кўз ачишиб кетганидан кейин ёш чиқади-да, албатта. Сен айтган одамларнинг овози ҳам мана шу аччиқ пиёзга ўхшайди. Буни мен бошимдан ўтгани учун айтяпман. Радиода чиқадиган бир одам бор. Шунинг гапини эшитсам, нуқул кўзимдан тирқираб ёш келади. Қайси бир куниям кўнглим бузилиб турган эди, дадам:

— Ҳа, Аҳмад, нима бўлди? Нега йиғлаяпсан? — деб ҳайрон бўлди.

Бундоқ ўйлаб қарасам, нимага йиғлаётганимни ўзим билмас эканман. Жуда ғалати гап-а? Аммо бўлган иш кейин ўзимга ҳам қизиқ туюлди, нега бекордан-бекорга йиғлайман, деб ҳайрон бўлдим. Бундоқ дурустроқ ўйлаб қарасам, менга бу одамнинг айтган гапи эмас, балки овози таъсир қиларкан. Унинг пардалари титраб чиқадиган овозини эшитсам, беихтиёр кўзимга ёш келавераркан.

Пиёз тўғраб турган одамдан «нега кўзингиз ёшланаяпти?» деб сўраб бўлмайди. Бунинг сабаби маълум ўзи. Худди шунга ўхшаб бировларнинг гапини эшитганда кўзидан тирқираб ёш келадиган одамга ҳам бир нарса дейиш қийин.

Бир пайт мени бувам мачитга олиб борган эди. Намоз тугаб, имом аҳли мусулмонга араб тилида алланималарни ўқиб берди. Имомга қулоқ солиб ўтирган бувам тўсатдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Бувамни кўриб, мен ҳам ўзимни тутиб туролмадим. Йиғи-сиғи кўп бўлди. Уйга қайтаётганимизда бувамдан нега йиғлаганини сўрадим.

— Бува, арабчани биласизми? Имомнинг гапига нимага йиғладингиз?

— Қаёқда дейсан, болам. Имом ҳам, мен ҳам арабча тушунмаймиз.

— Унақа бўлса нега йиғлайсиз?

— Қандоқ қилай, бўтам. Имом қанчалик қироат билан ўқиганини кўрдингми? Ким билади дейсан, балки қиёматдан гап кетгандир...

Бувамнинг эсига яна имом тушиб, кўзига ёш олди. Мен ҳам унга қўшилдим. Аслида имом одамни кулдирадиган нарсани ўқиган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бу воқеани ҳали-ҳали эслаб юраман.

Биз томонда бир киши бор. Ўзи кўчама-кўча ҳар хил сабзавот сотиб юради. Худонинг берган куни эшигимизнинг тагидан бақириб ўтиб қолади. Шу одамнинг овозини эшитсам, негадир кўнглим бузилиб, кўзимга ғилтиллаб ёш келаверади. Бўлмаса гапининг йиғлайдиган жойи йўқ. «Карам, редиска келди, кеп қолинг», «Мана кимга помидор, кимга пиёз» деб бақириб юради, холос. Бунинг нимасига йиғлайсан, тўғрими? Демак, менга унинг гап-сўзи эмас, балки овози қаттиқ таъсир қиларкан.

Ўқитувчимиз ҳам шеърларни бизга доим қироат билан ўқишни ўргатади. Ўқиш китобида бир шеър бор. «Армон ила кетган эдим» деган мисра билан бошланади. Ўқитувчимиз бизга шуни қандай ўқиш кераклигини ўргатди. «Танда ғуборим қолмади» деган иккинчи мисрани мумкин қадар чўзиброқ, мунглироқ ўқиш керак, деб тайинлади. Худди бозорда садақа сўраб юрган маддоҳга ўхшаб, «Танда ғубо-о-рим қолмади» дейиш керак экан.

(Давоми бор)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Радио

30 июнь
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ижодий фикр кишилари» деган эшиттириш (русча). 18.10 Ф. Лист. Фортепьяно ва оркестр учун биринчи концерт. 19.20 Ўзбек халқ куйлари. 20.00 «Юность Узбекистана». радиостанциясининг программаси. 20.40 Ешлар учун концерт (русча). 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.20 «Дала меҳнаткашлари, сизлар учун» деган концерт. 22.30 «Ажойиб кишилар ҳаёти». А. П. Чехов (ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концерти 19.30 «Музикали Тошкент» радиожурнали (русча). 20.00 «Сезгир қалб». В. Дюнин ҳикояси (тожикча). 20.20 «Наво» мақомидан парчалар. 21.00 М. Горький. «Она» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча) 21.40 Москва.

1 июль
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Қўшиқлар. 8.25 СССР санъат усталарининг концерти 9.30 Чангчи Фазилат Шукурова чалади. 10.30 Б. Гиенко. Тўртинчи квартет. 11.15 Фалсафа фанлари кандидати С. Зиёевнинг «В. И. Ленин фан ривожи ҳақида» деган суҳбати (ўзбекча). 11.30 И. Акбаровнинг «Орзу» балетидан парчалар. 13.30 Болгария эстрада куйлари. 15.15 «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). 15.30 ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ. «Кучимиз — дўстлигимизда» деган радиокомпозиция (ўзбекча). 16.10 «Ўзбекистон композиторларининг ижоди», С. Бобоев. 16.50 «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Ҳосил тўплашнинг ҳал қилувчи ойи» деган эшиттириш (русча). 18.10 М. Ашрафий. «Даҳшатли йиллар» вокал-симфоник поэмаси. 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 «Ленин қўшиқларда» деган музикали эшиттириш (ўзбекча) 20.00 «Ешлик» радиостанциясининг программаси. 20.40 Ешлар учун концерт. 21.00 «Коммунистлар ўз сафлари бирлигини мустаҳкамламоқдалар» деган суҳбат (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт 22.20 Лирик куйлар. 22.40 Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси Медведев. «Матонатли кишилар» романидан парча (ўзбекча). 23.15 «Дам олиш соатида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Совет композиторлари оперетталаридан парчалар. 9.15 Реклама ва эълонлар. 19.00 ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ. Монгол ёзувчиларининг ҳикоялари (ўзбекча). 19.30 Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Қорақалпоқ куйлари. 20.50 «Юзинчи йил». Эстония радиосининг эшиттириши (ўзбекча). 21.00 Ғафур Ғулом ҳикоялари (ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 М. Исмоилий. «Фарғона тонг отгунча» романи асосида радиопостановка (ўзбекча). 14.30 «Нозигим» операсининг монтажи. 18.00 Е. Исаев. «Хотира ҳукми» (русча).

Телевизор

30 июнь
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 «Қизил галстук» тележурнали (ўзбек тилида). 19.15 Киноленинона. «Катта синов вақти».

Рус тилида: 19.40 Телевизион янгиликлар. 19.55 «Советский воин» тележурнали. 20.55 В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан «Революция доҳийсига». 21.15 Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 21.25 Телевизион янгиликлар. 21.40 «Ноз-неъмат бунёдкори». Сабзавотчилар учун программа. 22.15 Телевизион театр. У. Сароян. «Э, ким бор?». Телеспектакль премьераси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18.00 Ўқишга марҳамат! 18.30 Абитуриентлар учун. Математикадан машғулот.

Рус тилида: 19.15 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник» программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Зангори экран ҳафталиги. 20.30 Беш йиллик йўлларидан. 21.00 Қўшиқ байрами. 22.00 «Жасур юрак». Телеочерк. 22.30 СССР да Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп серияли телевизион фильмнинг биринчи серияси. 23.35 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

18.00 Экран — болаларга. 18.30 «Молодость». 19.00 Янгиликлар. 19.15 Беш хат. 19.40 «Йўл». Телевизион фильм премьераси. 21.10 «Тонгги қутлаб». Бадиий фильм.

Тожик тилида: 21.45 Янгиликлар 22.00 Киноочерк. 22.10 Қувноқ соатда.

ОГАҲИЙ НОМЛИ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА ҚОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ

Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри ёзги биносида намойиш қиладиган спектаклларининг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

30 июнда — ҒУРБАТДА ҒАРИБ — МАХТУМҚУЛИ.
1 июлда — ҚАЙНОНА.
2 июлда — КОНЦЕРТ.
3 июлда — ҒУРБАТДА ҒАРИБ — МАХТУМҚУЛИ.

Томошалар кеч соат 8 яримда бошланади.

Касса кундуз соат 12 дан ишлайди.

Билетлар сотилмоқда.

«УЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИГА

слесарь-водопроводчилар, шофёрлар, киномеханиклар, киноплёнкага олинган суратни чиқарувчилар ва нусха кўчирувчилар, катта бухгалтерлар, дурадгорлар, ёритувчилар, рассомлар, секретарь-машинистка, техника хавфсизлиги бўйича инженер, пиротехник цехига бошлиқ, фотографлар, ҳамда киноплёнкаларни ишлаб чиқиш мутахассислигига ўргатиш учун ёрдамчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 1 уй (7 троллейбус, 14, 27 автобусларнинг «Сут комбинати» бекати).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 30/VI да Риголетто, 1/VII да Чио-чио-сан.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/VII да Угирланган умр.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА (ёзги бинода) —Огаҳий номли Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг гастроллари. 30/VI да Ғурбатда ғариб — Махтумқули, 1/VII да Қайнона.

Кино

1 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Серафим Фролов севгиси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Париж—Варшава визасиз — «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Занжирбанд орол — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Тошқин — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 11, 45 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

Макс Линдер компаниясида — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Париж—Варшава визасиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Серафим Фролов севгиси — «ХИВА».

2 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Серафим Фролов севгиси — «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Париж—Варшава визасиз — «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Занжирбанд орол — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Героин — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Сароянлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Розмари исмли қиз — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Париж—Варшава визасиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Серафим Фролов севгиси — «ХИВА».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
4 БЕТ.
30 ИЮНЬ, 1969 Й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари; Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2789.
Р. 03169.
Индекс 64579